



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН • № 178 (9674) • 1989 йил 21 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1989 йил 20 сентябрь куни Марказий Комитет Пленумида КПСС платформаси лойиҳаси ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш давом этди.

Музокараларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмонов, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, Тоғли Қорабоғ автоном областининг алоҳида бошқарилган комитети раиси А. И. Волский, СССР телевидение ва радиоэмиттиршиш давлат комитетининг раиси М. Ф. Ненашев, Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли совхоз механизатори Н. В. Геллерт, КПСС Смоленск область комитетининг биринчи секретари А. А. Власенко, КПСС Догистон область комитетининг биринчи секретари М. Ю. Юсупов, Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Х. Везиров, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. М. Маҳмадов, СССР муҳофааз министри Д. Т. Язов, КПСС Кабарда-Балқар область комитетининг биринчи секретари Е. А. Елисеев, КПСС ҳудудий автоном область (Хабаровск ўлкаси) комитетининг биринчи секретари

Б. Л. Корсунский, СССР ички ишлар министри В. В. Бакатин, КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари Г. Ч. Шириши, ВЦСПС секретари В. М. Мишин сўзга чиқдилар.

Пленумда тузилган редакцион комиссия номидан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. А. Медведев сўзга чиқди.

Пленум тушган таклифлар, фикр-мулоҳазалар ва бўлиб ўтган муҳокамани ҳисобга олиб, КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати» платформасининг пухталаштирилган лойиҳасини (матбуотда эълон қилинади) маъқуллади ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди, қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум СССР бош прокурори А. Я. Сухаревнинг КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачевнинг аризасини кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Е. К. Лигачев ўзини терговчилардан Т. Х. Гдиян ва Н. В. Иванов порахўрликда айблаётгани муносабати билан КПСС Марказий Комитети ва СССР прокуратурасига ариза ёзиб мурожаат қилган эди. СССР прокуратураси ўтказган текшириш ана шу даъволарнинг батамом асоссизлигини кўрсатди.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарори

1989 йил 20 СЕНТЯБРЬ

Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладини муҳокама қилиб ва КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги платформаси лойиҳасини унинг партия ва халқ ўртасидаги муҳокамаси якунларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқиб, Пленум қарор қилади.

1. КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги платформаси қабул қилинсин ва уни изчиллик билан амалга ошириш барча партия ташкилотлари, ҳар бир коммунистнинг вазифаси деб ҳисоблансин.

Пленум жамиятда кенг кўламда маъқулланган платформанинг тоилари ва қондалари қайта қуришининг ҳаё

тий эҳтиёжларига жавоб беради ва совет федерациясини янгиллаш, барча миллий-давлат тузилмаларини риволангирини ҳамда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги барча халқларнинг манфаатлари йўлида бошқа миллий муаммоларни ҳал этиш учун сиёсий негиз бўлади, деб ҳисоблайди.

2. Пленум КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросига, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка ва область партия комитетларига КПССнинг «Партиянинг ҳозирги шароитдаги миллий сиёсати тўғрисида»ги платформасида баён этилган ғоаларни амалга ошириш юзасидан партия ташкилотлари фаолиятининг конкрет планларини ишлаб чиқишни топширади.

Пленумда Е. К. Лигачев ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод В. И. Смирнов сўзга чиқдилар. Пленум шу масала хусусида қарор қабул қилди. (Нутқлар ва қарор матбуотда эълон қилинади).

Марказий Комитет Пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум В. П. Никонов ва В. М. Чебриковни улар пенсияга чиқиш тўғрисида ариза берганликларини муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзолари ва Марказий Комитет секретарлари вазифаларидан озод қилди.

Пленум В. В. Шчербицкийни пенсияга чиқиш тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзоси вазифасидан озод қилди.

Пленум Ю. Ф. Соловьев ва Н. В. Тализининг пенсияга чиққанликларини муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига номзод вазифаларидан озод қилди.

Ўртоқ М. С. Горбачев В. П. Никонов, В. М. Чебриков, В. В. Шчербицкий, Ю. Ф. Соловьев, Н. В. Тализин ўртоқларига партия органларидаги кўп йиллик актив ва самарали фаолиятлари учун санимий миннатдорчилик билдирди.

Пленум СССР давлат хавфсизлиги комитети раи

си В. А. Крючковни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси этиб сайлади.

Пленум Ю. Д. Маслюковни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига номзодликдан аъзоликка ўтказди.

Пленум СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг Раиси Е. М. Примаковни ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия Контроли комитети раиси Б. К. Луговойни КПСС Марказий Комитети Сийсий бюроси аъзолигига номзодлар этиб сайлади.

Пленум КПСС Орел область комитетининг биринчи секретари Е. С. Строевни, КПСС Липецк область комитетининг биринчи секретари Ю. А. Манаенковни ва КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Г. И. Усмоновни КПСС Марказий Комитетининг секретарлари этиб сайлади.

Пленум Украина Компартияси Крим область комитетининг биринчи секретари А. Н. Гиренковни КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзоддан аъзоликка ўтказди ва уни КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайлади.

Пленумнинг охирида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Область партия комитети бюросининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комиссияси ва Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг «Тошкент шаҳри аҳолисини мева-сабзавот, йон, сут маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашдаги иқтисодий камчиликлар тўғрисида»ги хати кўриб чиқилди.

Область партия комитетининг бошқариши Тошкент шаҳри аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари областнинг партия, совет, хўжалик органлари томонидан қонингиз баъжарилмоқда, деб ўқитириб ўтди. Тошкент шаҳрининг мева-сабзавот ва эртаги нартошга бўлган эҳтиёжлари тўғрисида бўлган ҳолатларни тўғрисида ҳал қилиш учун реал имкониятдан фойдаланилмапти.

«Ташоблагропром» раҳбарлари колхозлар, совхозлар билан савдо тайёрлов-органлари ўртасида иқтисодий жиҳатдан ўзаро манфаатли алоқаларни ишлаб чиқишда

сузташликка йўл қўймоқдалар. Қўпгина хўжалик раҳбарлари нарам ва пёз этиштиришни қўпайтирган ҳолда шаҳар аҳолисини учун керак бўлган эртаги бодрийн, помидор, сабзи ва бошқа маҳсулотларни кам экмоқдалар. Айрим колхоз-совхозларнинг раҳбарлари имкониятларини бўлишти қарамал план тошқирқилари, шартнома мажбуриятларини пиванд қилмаётганлар, бўнда маҳсулотини четдаги олувчиларга, кооперативларга ва бошқа шаҳарлардаги савдо ташкилотларига беришни афзал кўрмоқдалар. Матлубот кооперативини мева-сабзавот ресурсларини қидириб топиш, савдонини ташкил этишининг катта имкониятларига эга. Лекин шартнома баҳоларида маҳсулотини хўжаликлар ва аҳолидан харид қилиб олишдаги унинг фаолияти унчаллик кенгайтирилмапти. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотини билан таъминлашдаги мураккаб аҳвол кўриб ёзиллар, маҳсулотини яшириб сотиш ҳолатлари билан янада мушкуллаштири-

лаётир. Область партия комитетининг бюроси Тошкент шаҳрини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда «Ташоблагропром», «Ташоблагропром»нинг, «Ташоблагропром»нинг бирлашмасининг қонингиз ишлабташтининг таъминлаш, коммунист-раҳбарлар Р. Н. Нурмаев, С. Т. Тошқулов, В. Н. Носировдан ўзарига қарашли хўжалик ва корхоналарнинг план тошқирқилари ва шартнома мажбуриятларини баъжариш юзасидан зарур тадбирлар қилишларини талаб қилди. Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш планларини баъжармаган, давлат интисомини, совет савдоси қондаларини, ер тўғрисидаги қонунларини бузишга йўл қўйган коммунист-раҳбарларнинг партиявий жавобгарлигини кўриб чиқиш бир қанча шаҳар, район партия комитетларига тошқирди.

Область иқроия комитети, область матлубот жамияти, Тошкент шаҳар иқроия комитетига республика ва мам-

лакатининг бошқа областларини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олиб келишни анча қўпайтиришнинг шашинич чораларини кўриш тавсия қилинди.

Бюро мажлисида халқ таълими бўйича амалий конференция ва шаҳар, районларнинг август кенгашлари якунлари бўйича область партия ташкилотининг вазифалари кўриб чиқилди.

Область халқ таълимининг ҳамма соҳаларини демократиялаштириш жараёни авж олаётганлиги, моддий база, таълим ва тарбияни янги шакл ва усуллари ривожлантиришдаги таъминоти кўрилди. Тошкент, Чирчиқ шаҳарларида ҳамма мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари компьютерлаштирилди. Қуйишев, Ҳамза ва Чилонзор районларида болалар ёрдам фондлари тузилди, бу маблагларнинг бир қисми мактаб ўқитувчилари ва бошларнинг мактабга муассасалари тарбияланувчиларини рағбатлантиришга сарфланмоқда.

Бироқ ҳали халқ таълими

системасида туб ўзгариш юз берганча йўл. Авария ҳолатидаги бинолар ва эски мактабларни тутатиш масаласи кескин бўлиб турибди. Оққўрғон, Бўна, Чилонзор районларининг мактабларини оқил ташкилотлари қуриб бериш, матбурий биноларни мактаблар ва бошлар боғчаларига бўшатиб бериш, хўжаликлар ҳисобига бошларнинг оқиллантиришни ташкил этиш тажрибаси ёйилган йўл. Ҳозирги вақтда областда иқтисодий ислоҳот, хўжалик юритиш ва меҳнатни ташкил этишнинг янги формаларини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги комплексининг эҳтиёжларига мувофиқ келувчи кадрлар тайёрлашнинг балансланган программаси йўл. Иқтисодий фаиларни ўқитиш, синфдан ташқари ишларни йўлга қўйиш ўсиб келаётган авлодини ўқитиш ва тарбиялаш системасида буш бўғин бўлиб турибди. Ҳозирги вақтда халқ таълимининг ҳама соҳаларида балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсишига олиб келди.

Умуман педагогик кадрлар тайёрлаш чиқарилаётган мутахассисларнинг сифати ва соҳаси бўйича мактабларнинг талабларини қондирмапти.

Область партия комитетининг бюроси халқ таълими ҳодимлари област амалий конференцияси тавсияларини баъжариш юзасидан мақсадга йўналтирилган ташкилий-сиёсий иш олиб боришнинг бўлими партия комитетининг бўлими, шаҳар, район партия комитетларига тошқирди. Тошкент область иқроия комитетининг коммунист-раҳбарлари Л. П. Тернових, Т. П. Иўлдошева, Л. П. Воронова ўртоқлар бир ойлик муддат ичида авария ҳолатидаги мактабларни ўрганиш ва уларни тутатиш чораларини ишлаб чиқсинлар. Область иқроия комитети, область халқ таълими бошқармаси Тошкент областдаги халқ таълими системасидаги экспериментнинг статуси тўғрисида республика Министрлар Совети ва Ўзбекистон ССР халқ таълими министрлигига таклиф тайёрлаб киритсин.

Бюро мажлисида КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги партия контроли комитетининг «СССР Металлургия» министригига Олмалиқ кон-металлургия комбинати айрим коммунист-раҳбарларнинг меҳнатнашларга нормал социал шароитлар яратиш бериш ишига етарли баҳо бераётганлиги тўғрисидаги хати муҳокама қилинди.

Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг коммунист-

раҳбарлари меҳнатнашлар турмуш шароитини тубдан яхшилаш бўйича партия XXVII съезди ва XIX Вутуниттифоқ конференцияси қарорларидан иқидий хулосалар чикариб олмадилар, социал инфраструктурани жадал ривожлантиришнинг сиёсий аҳамиятига етарли баҳо бераётганлар. Бунинг оқибатида уй-жойлар, маданият маиший объектларини қуриш ва фойдаланишга тошқириш миқёслари кўп жиҳатдан ҳозирги талабларга, меҳнат коллективни ҳодимларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларига жавоб берамапти. Ҳозирги беш йилликда корхона ҳодимлари 160 та квартирани кам олдилар, янги вақтда қарийб 1800 киши уй-жой шароитларини яхшилаш учун набатда турибди, ишлабташтининг 20 процента янги фарзандлари бошлар боғчаларида ўқитилар билан таъминланмаган, бирок комбинат раҳбарлари бу беш йилликда боғчалар қурилишга капитал маблаглар сарфлашга қамийтириш тўғрисида асосли қарор қабул қилилар. Маиший ва медицина хизмати соҳаларини ривожлантириш тадбирлари сузташлик билан амалга оширилмоқда, ер ости қазилари ишлабташлар учун иссиқ овиқат берилмапти. Социал соҳани ривожлантиришда катта қолоқлик,

оғир ва зарарли меҳнат шароитлари кадрлар қўшимсизлиги ва эски ўзгарибташтининг асосий сабаби бўлаётир. Партия ва насаба солов комитетларининг иш услуб ва методларидидаги камчиликлар меҳнаткашларга нормал социал шароитлар яратишда жиддий нуқсонларга олиб келмоқда. Область партия комитетининг бюроси корхона хизматчиларига нормал социал шароитлар яратиш беришни таъминламаганликларини учун комбинат бошларини партия ташкилотларига коммунист-раҳбарлар В. Н. Сидегин, Ю. М. Мирзалиев, Е. И. Фомин, Э. Г. Усмонов ўртоқларининг жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилганлигини маълумот учун қабул қилди. Бюро комбинатнинг коммунист-раҳбарлари (В. Н. Сидегин, Э. Г. Усмонов ўртоқлар), партия комитети (Ўртоқ Ю. М. Мирзалиев) иқтисодий сиёсатини тубдан ўзгартриш, қурилиш, экологик назоратини яхшилашда, комбинатини социал-иқтисодий ривожлантириш юзасидан ташкилий-сиёсий тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишни қондалди.


Область партия комитетининг бюросининг мажлисида бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

«ҲОСИЛ-89» Янгийўлликлар карвони

БУ йил Янгийўл району пахтакорлари давлатга 24 минг 800 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилганлар. Хўжаликларда пахта йиғим-термини уюшқоқлик билан бошлаб юборилди.

Пахтакорларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли апрель ойи охири ва май ойи бошидаги қаттиқ совуқ оқибатлари мардона энгиб ўтилар, — деди район иқроия комитетининг раиси А. Юсупов. Гулбаҳор посёлкаси марказида «оқ олтин» қизил карвонига бағишланган митингда — Катта майдонларга чигитини қайта экишга тўғри келганга қарамай, далаelerde барвақон хосини етиштирилди. Эндиги вазида «оқ олтин»ни ёйилиш кунларга қолдирмай, қисқа муддатда йиғиб-териб олишдан иборатдир.

БУ йил район пахтакорлари ялпи ҳосилнинг 17 минг тоннадан ортигини «зангори кема»лар ёрдамида йиғиб-териб олишни маълумлашмапти. Далаelerde 175 дан ортиқ терим агрегати ишлайди. Ҳозир пахтазорлар бегона ўтдан тозаланиб, қўзлар баргизилантирилмоқда. Ялпи ҳосилнинг 75-80 фоқинини машинада териб олишни кўзлаётган «Коммунизм», «СССР 60 йилгига», «Ленинизм», Калинин номли, «Интернационал» колхозларининг дала гвардиячилари ўз



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН			
МАЪЛУМОТ			
(планга нисбатан процент ҳисобида)			
Биринчи устуи — район			
лар, иккинчи устуи — бир қувда тайёрлангани; унчинчи устуи — мавсум бошдан бўён			
Пискент	0,55	3,31	
Чиноз	0,47	2,31	
Оққўрғон	0,44	2,13	
Бўка	0,29	1,01	
Бўқобод	0,45	1,00	
Янгийўл	0,63	0,63	
Ғалаба	—	—	
Коммунизм	—	—	
Ўрта Чирчиқ	—	—	
Область бўйича:	0,32	1,18	

«ҲОСИЛ-89» КОРЕЙС ХАЛҚИНИНГ «ҲОСИЛ БАЙРАМИ»

17 СЕНТЯБРЬ куни Солдатс шаҳрида янги тағана бўлиб ўтди. Ғалаба районида истиқомат қилаётган корейс халқи ўзининг биринчи «ҳосил байрамининг» нишонлади. Шаҳар маданият уйи атрофи байрамона безатилган. Тағана ташкилотчиси, район интернационал маданият-маркази корейс секцияси аъзолари унинг ҳар томонлама яхши ўтиши учун барча тадбирларини амалга оширдилар.

Бир томонда Корея Халқ Демократик республикасида махсус мана шу байрам учун олиб келинган совға саломлар, китоблар савдоси ташкил этилган. Иккинчи томонда корейс халқининг миллий таомларини танавул қилиш мумкин, яна бир тарафда уларнинг меҳнати туфайли етиштирилган маҳсулотларнинг ҳосилдан кўргазма намойиш қилинмоқда.

Дарвоқе бутунгун қувда Ғалаба районида 12 мингдан ортиқ корейс миллатига мансуб кишилар истиқомат қилиб, ишлар чикаришининг турли бўғинларида фаолият кўрсатишмоқда. Айниқса, уларнинг деҳқончиликдаги ҳиссаси салмоқли бўлаётир.

Пахта, каноп, сабзавот, картошка, полнз ва шолчиликда кўзга қўрилган деҳқонларни қўллаб санош мумкин. Бир қатор хўжаликларда улар чорвачиликнинг жадал

ривожланиб боришга ҳам катта ҳисса қўлмоқдалар. Байрам тағаналарида сўзга чиққан район партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Мадминов, район интернационал маданият-маркази раиси Қ. Достмаганбетов, меҳнат ветерани Ленин ордени кавалери Пак ЕН-ХИ, республика корейс маданият-марказининг Раиси С. М. Хан ва бошқа кишилар ана шулар ҳақида гапирди.

Бу байрам ҳақиқий халқ севлига айланб кетди. Шу кунни корейс миллатининг турли спорт мусобақалари уюштирилди. Янги кино-фильмлар намойиш этилди. Бадий ҳаваскорлик коллективларининг аъзолари қўшиқ ва рақслар иқро эттиди.

Бундай миллий халқ байрамлари биринчи марта ўтказилаётгани йўқ. Район интернационал маданият-маркази шунга қадар «Наврўз», «Қизил гул» байрами, «Сабантўй» каби бирқатор миллий байрамларини ташкил этган эди. Аёғанага айланаётган бундай халқларнинг миллий байрамларини янада қизилар ва мазмунли ўтичишга қўллаб-қувватлаш. Янги кунларда районозқарнинг миллий байрами «Береке», рус миллий байрами «Хоровод» тағаналарини ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Н. ХУЖАҚУЛОВА.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИ-
СИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

ҚОМУСИМИЗ МУКАММАЛ БЎЛСИН

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ «Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқ муҳокамасига ҳавола этди.

Дарҳақиқат, бундай зарурат аллақачон етилган, амалдаги Конституциянинг ҳабул қилинганга эндигина ўн йилдан кўпроқ муддат ўтган бўлишига қарамай, янги қонунимизни қабул қилишга эҳтиёж туғилиб қолганди. Лойиҳада унинг 183 моддасидан 39 таси ва 21 бобдан 8 тасига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилган.

Лекин фикримизча, киритилган ўзгаришларнинг ҳаммаси ҳам баъзи ноаниқликлардан ҳоли эмас. Чунки, лойиҳанинг 109-моддасида «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисобот берадиган, Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишчи ташкил этиши таъминлайдиган ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясида ва Ўзбекистон ССР Қонуналарида кўзда тутилган доирада бош-

қа ваколатларини амалга оширадиган органдир» дейилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми составига лавозимига кўра қуйидагилар кирди: «Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг иккинчи ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига Ўзбекистон ССР Олий Совети Раиси бошчилик қилади». Бу модданинг охирига сатрбошчи ҳуқуқий жиҳатдан нотўғри тахрирда ёзилган, чунки шу модданинг биринчи қисмида: «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон ССР Олий Советига ҳисоб берадиган, Ўзбекистон ССР Олий Советининг ишчи ташкил этиши таъминлайдиган ҳамда Ўзбекистон ССР Конституциясида ва қонуналарида кўзда тутил-

ган доирада бошқа ваколатларини амалга оширадиган органдир» дейилган. Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг иккинчи ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари.

Биз 109-модданинг сўнгги сатрбошчининг қуйидаги тахрирда ёзилиши ўринли бўларди, деб ҳисоблаймиз: «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қуйидаги составда сайланади: Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Раисининг иккинчи ўринбосари — Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг Раиси, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг Раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети доимий комиссияларининг раислари.

дан иборат составда сайланиди», деб ёзилган. Бизни таъжублантирадиган нарсаси, нима учун ва қандай ҳуқуқий ва мантиқий асосларга кўра Конституцион назорат комитетининг состави 10 йил муддатга сайланади? Ваҳоланки, ҳамма совет ва жамоат ташкилотлари беш йилдан ортиқ муддатга сайланмайди.

Бинобарин Ўзбекистон ССР Конституцион назорат комитетининг составини ҳам беш йил муддатга сайлаш маънада мувофиқ бўлур эди.

Лойиҳанинг 102-моддаси 16-бандининг охиридаги «Республика жамоат ташкилотларининг ва ижтимоий ташаббускор органларнинг ҳуқуқий статусини аниқлаб беради», деган жумлани қуйидаги ёзилишга таклиф қиламиз: «Республика жамоат ташкилотларининг ва ижтимоий ташаббускор органларнинг ҳуқуқий статусини аниқлаб беради».

Фикримизча, ушбу мулоҳазалар ҳисобга олинган тақдирда, лойиҳанинг мазмунини янада аниқроқ ва кенгрон бўлур эди.

К. КОМИЛОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг етакчи илмий ходими, ҳуқуқ фанлари номзоди.

Тошкент областида Ҳамза театри кунлари



ЮЗМА-ЮЗ

Шу кунларда Ҳамза номидаги Ленин орденли Ўзбек Давлат академик драма театри коллективи пахта терими мавсумини бошлаётган област пахтакорлари билан ижодий учрашувлар ўтказмоқда. Актерлар дада меҳнаткашларига ўз санъатларини намоён этишдан ташқари, улар билан турли мавзуларда суҳбатлар уюштириб, пахтакорлар ҳаёти билан яқиндан танишишяпти.

Жумладан «Олтин девор», «Кўёв», «Келинлар қўғоло-ни», «Ийиқиб тонги», «Хар тўқисда бир айб», «Вой ила хизматчи», «Отдел» каби қатор спектакллардан саноат, таниқли санъаткорлардан С. Эшонгулова, Н. Раҳимов, З. Мухаммадиев, Г. Аъзамов, И. Болтаева, Т. Азиев, Т. Тоқиев ҳамда Т. Муминовлар иштирокида ўтказилаётган ижодий мулоқотлар меҳнаткашларга манзур бўлаётди.

Коммунистик районининг «Политотдел» колхозидан бошланган биринчи ижодий учрашуу Ўзбекистон кўчаларида давом этди. Бундай учрашувлар Пискент ва Охангарон районларида ҳам ўтказилмоқда.

Х. МУҲАММАДАЛИЕВ.



Суратларда: ижодий учрашувлар пайтида намоён этилган спектакллардан кўринишлар. Суратчи А. ҚОСИМОВ.

Жасорат ҳеч қачон унутилмайди
МУСАЕВЛАРНИ
ОРДЕН КУТАЯПТИ

Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши совет халқи ва Қизил Армия учун оғир имтиҳон бўлди. 1418 кеча ва кундуз давом этган ҳаёт-мамот жангларда совет жангчилари мислиси жасорат кўрсатиб, ёвуз душманга ўнгалмас талафот етказди ва галаба қозондилар.

Ғолиблар мардлик ва жасурлик учун орден ва медаллар билан мукофотландилар. Бироқ ҳалок бўлиш, шунингдек, яраланганда сўнг госпиталда даволаниб чиққач, бошқа ҳарбий қисмга юборилиш оқибатида аввалги ҳарбий

қисм билан алоқа узилиб қолиш тўғрисида буюқ Галабадан сўнг 44 йилдан зиёд муддат ўтганлигига қарамай, айрим орден ва медаллар ҳамон эгасини топмай турибди.

Мен 1978 йилдан бери СССР Мудофаа министриликнинг Подольск шаҳри (Москва) бўлимидаги Марказий архивда ишлайман. Ишдаимизда кўпчилик билан бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Ишдаимизда кўпчилик билан бунга тўла ишонч ҳосил қилдим. Ишдаимизда кўпчилик билан бунга тўла ишонч ҳосил қилдим.

Мана улар: МУСАЕВ Сартон — 1911 йилда туғилган. Совет Армияси сафига Пискент районининг Октепа кишлоқ Советидаги Киров номи колхоздан қабирилган. Немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борилган жангларда 16-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 46-гвардиячи ўқчи полки составида иштирок этган.

Жангларда кўрсатган жасурлиги учун III даража Жураёт орден билан мукофотланган. МУСАЕВ Турғун — 1921 йилда туғилган. Совет Армияси сафига Тошкент шаҳрининг Калинин кўчасидан қабирилган. Гитлерчи гезандаларга қарши олиб борилган жангларда 270-ўқчи дивизиянинг 975-ўқчи полки составида взвод командири сифатида иштирок этган.

Мардлик кўрсатиб жанг қилганлиги учун Қизил Юлдуз орден билан мукофотланган. МУСАЕВ Умар — 1914 йилда туғилган. Совет Армияси сафига Бўстонлик районининг Коммуна кишлоқидан қабирилган. Ёвуз душманга қарши 124-ўқчи дивизиянинг 781-ўқчи полки составида жанг қилган.



Собиқ жангчилар тақдирланди

Ўзининг байналмилал бурчин сийдирилган, шараф билан ўтаган сўнгги совет солдатининг Афғонистон республикаси территориясидан олиб қилинганга маъна 7 ой бўлди. Апрель революцияси ютуқларини ҳимоя қилишда совет жангчиларининг кўрсатган матонати ва жасоратидан афгон халқи ва унинг раҳбарлари ўз миннатдорчиликларини изҳор этмоқдалар.

Афгон воқеаларининг юзлаб иштирокчилари жанговар орденлар билан таъдирланди. Минглаб байналмилал жангчиларга «Миннатдор афгон халқидан байналмилалчи жангчиларга» медаллари топирилди. Собиқ байналмилалчи жангчиларини Афғонистон республикаси ҳукумати муқофоти билан таъдирлаш ҳануз давом этмоқда.

Қуни кеча Тошкент район партия комитетида бўлиб ўтган йилги шўх ҳам ана шунга бағишланди. Шу кун бу ерга районда истиқомат қилувчи 200 дан зиёд собиқ байналмилалчи жангчилар, Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Афғонистонда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ўзбек ўғлонларининг ота-оналари тўпла-нишди.

Тадбирни бошлашдан аввал йилги шўх иштирокчилари районда камол топиб, ўз байналмилал бурчларини Афғонистонда ўташ даврида мардларча ҳалок бўлган Абдушу-

кур Ҳошимов, Ихлос Юсупов, Жалолиддин Ёризаев, Дилшод Валиев, Шавкат Исмомов, Шукрулла Мўминов, Эгамберди Тўхтазаров, Аъзам Каримов, Алимўхаммад Эргашев, Рашид Ганиев, Раҳмонберди Бекбердиев, Ҳабибулла Исоқов, Саъдулла Аширбоевларнинг хотирасини сўкут сақлаб ётди.

Сўнгги давра турига уларнинг ота-оналари, Афғонистондан ногирон бўлиб қайтган 5 нафар байналмилал жангчилар таъдир этилди.

Шундан сўнг район партия комитети иккинчи секретари В. Шамугия Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг ота-оналарига эсдалик совғаларини топишди. Собиқ байналмилалчи жангчилардан М. Отабоев, Ф. Ашуровлар «Жасорати учун», С. Миланов, А. Пулатов, А. Мансуров, Р. Исмомов, Д. Шиферштейн, Б. Файзиев, Б. Нишонов, А. Омоновлар «Жанговар хизматлари учун» медаллари билан таъдирландилар.

Шунингдек йилги шўх Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Т. Бадалов, М. Қорабоев, С. Мусаев, Я. Пирматов, М. Тошбоев, Ю. Бозорбоев, С. Норматов, К. Шорустамов, Ч. Расулов, Ҳ. Назаров, Ж. Мирсўлоновларга «II даража «Ватан уруши» орденлари топишди.

Тадбирда район бадий ҳа-воскорлик коллективлари концерт программаси намоён этилди.

А. ШЕРОВ.

Суратларда: район партия комитетида бўлиб ўтган йилги шўх лавҳалар.

Д. АХМЕДОВ суратлари.



ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КҮ-
ЧАСИ, 32.



Мухаррир уринбосарлари — 335885, 325747, 337916; 325748; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб уринбосарлари — 325750; БҲЛИМЛАР: идеология — 325647; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий советлар ҳаёти — 325733; социал масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325645; халқаро ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи совет қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.



Мухаррир
Н. НАСИМОВ.